



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 30-noyabr • №48 (4187)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига ЁШЛАР — ЭЛ СУЯНЧИ, ВАТАН ТАЯНЧИ

Қишлоғимиздаги ягона икки қаватли иморат — 2007 йилда қуряган янги мактаб биносидан, табиийки, спорт зали ҳам ўрин олган. Биз ўқувчиларимизда бундай шароитларни мусобақаларга борганимизда, шаҳар мактабларида ёки телевизорда кўрар эдик. Бир-бирини оёқдан чил бериб эмас, елкадан ошириб йиқитаётган укаларимнинг курашини томоша қилиб ўтирарканман, яна ўша болалик йилларимни эсладим.

Қишлоғимизда кураш жуда оммалашган эди. Усмир йигитлар Арслон муаллим бошчилигида тинимсиз машқ қилар, мусобақаларда ўрин ҳам олиб келарди. Лекин совуқ тушиши билан машғулотлар тўхтаб қоларди. Чунки спорт билан шуғулланишга имкон йўқ эди. Қайсидир йили юқори синфларда ўқийдиган акаларимиз ҳашар йўли билан каттароқ бир хона тиклаб, ҳайтовур, спорт залига ўхшатиб қўйишди. Қишда жисмоний тарбия дарсларида димиқиб ўтирадиган ўқувчиларга сал жон кирди. Энди мўъжазгина "спорт зали"га югурадиган бўлдик. Афсус, қувончимиз узоққа чўзилмади: кўп ўтмай, шифер синиб, шифтдан чакки ўта бошлади...

Буларни эслаётганим боиси шуки, қишлоғимизда замонавий мактаб, ҳақиқий спорт зали бунёд этилгандан сўнг ҳам, баъзи ота-оналар "Сенга кураш нима берарди? Ундан кўра мол бок, шундан фойда", дея фарзандларини спорт тўғрақларига жўнатмаётганини эшитиб, дилим ранжиди. Ахир, шунча шарт-шароит ким учун?! Мактабимиздан аста-секин чемпионлар, турли танлов ғолиблари чиқа бошлади. Уларга туман, вилоят, республика миқёсида кўрсатилётган эътибор ҳалиги ҳамқишлоқларим фикрини бугун энди тамомила ижобий томонга ўзгартириб юборди.

Айтмоқчиманки, ёш авлодни ҳар томон-

лама баркамол қилиб вояга етказиш бўйича кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар нафақат халқаро эътирофларда, балки юртдошларимиз дунёқарашида ҳам намойён бўлмоқда. Ҳар бир шаҳару қишлоғимиздаги янгиланишларни барчамиз кўриб, билиб, хулоса чақариб юрибмиз-ку!

Кўз ўнгимизда янги юзийлик глобаллашув шиддати билан бошланиб, давримиз кескин рақобат асрига айланиб бораётир. Мамлакатимизда инсон омилига бу жараёндаги ҳал қилувчи куч, тараққиётни белгилувчи фактор сифатида қаралапти. Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, таълим соҳасидаги ислохотлар узлуksиз давом эттирилаётгани фикримизнинг яққол далилдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги кунда фақат юксак билимми, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳолати йўқ.

Давоми иккинчи саҳифада.



Сарвар ҲАМИДОВ (ЎЗА) олган сурат.

ҲАМ САЊАТ, ҲАМ ТИЖОРАТ

"Bazar-Art" — 2012

Миллий санъат марказида "Bazar-Art" анъанавий кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ijod" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма-ярмаркада мамлакатимиз уста ва хунармандлари ўз ижод намуналарини билан иштирок этди. Уч кун давом этган кўргазма-ярмаркада хунармандликнинг турли йўналишларига оид махсулотлар ҳамюртларимиз,

хорижлик меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, зардўзлик, қўғирчоқозлик, кулlochилик бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Тадбир якунида турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган уста ва хунармандларга дипломлар, махсус грантлар топширилди.

ЎЗА

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбек ва япон халқлари ўртасида қадим-қадимдан давом этиб келатган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари истиқлол йилларида янада мустаҳкамланмоқда. Кунчиқар мамлакат юртимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ва мамлакатимизда бунёдкорлик дастурини амалга ошириш ишларига ҳар томонлама қўмак бериб келмоқда.

Археологик қазималар соҳасида кўп йиллик ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Япония ташаббуси билан ташкил этилган олим ва рассом Икуо Хирояма номидаги Маданият қарвонсаройи муваффақиятли фаолият олиб бораётир. Яқинда ҳар икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. "Халқ дипломатияси" йўли билан турли тадбирларнинг уюштирилиши дўстона муносабатларни янада мустаҳкамламоқда. Ўзбек-япон ҳамкорлигини янада ривожлантиришда айниқса, маданият ва санъат соҳасида кенг имкониятлар mavжуд.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Япониядан келган меҳмонлар билан бўлган суҳбатда шу ҳақда гап борди. "Япония — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси президенти Нобухико Шима Фукусимада юз берган табиий офат вақтида Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдам учун япон халқи миннатдор эканини айтди. Бу ерга келишдан олдин Самарқандда меҳмон бўлган Нобухико Шима Чет тиллар институтида Япониянинг бугунги кундаги тараққиёти ҳақида маъруза қилди. Шундай маъруза инсон ресурслари япон марказида ҳам ўқилди.

Дўстона вазиятда ўтган учрашув вақтида "Япония — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси ташкил этилганининг 15 йиллиги ҳамда ташкилотнинг ўзбек-япон ҳамкорлиги тараққиётига қўшаётган катта ҳиссаси эътиборга олиниб, меҳмонга Фахрий ёрлик топширилди. Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Курода Есихиса иштирок этди.

Борис БОБОЕВ

Халқ оғзаки ижодиётини асраб-авайлаш, сайқал бериш ва келажак авлодларга етказиш, фольклор намуналарини башарият маданияти мулкига айлантириш бугун дунё ҳамжамияти олдида турган асосий вазифалардандир. Турли халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар, нарий-амалий анжуманлар бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

"Осиё дostonчилик санъати" қўмитаси ташаббуси билан Жанубий Кореянинг Кванчжу вилоятида ўтказилган "Эртақ, афсона ва эпослар сценарийлари халқаро танлови" фикр-мизнинг далили. Ушбу халқаро тадбирни ўтказишдан мақсад асрлар оша бизгача етиб келган халқ дostonчилик намуналарини асраб-авайлаш ва замонга ҳамоҳанг тарзда авлодларга етказишдир.

Ушбу танловда ҳамюртларимиз Жасур ва Мастура Исҳоқовлар ўзбек халқининг "Алпомиш" дostonи асосидаги кино-сценарий учун Гран-прига сазовор бўлди. Жасур Исҳоқовнинг "Шерзод ва шаҳзода" номи сценарийси Марказий Осиё мамлакатлари ва Корея Республикаси маданият вазирликларининг "Энг яхши киносценарий" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида Ўзбек миллий академик драма театрида ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазири Турсунали Қўзиев, "Ўзбекино" миллий агентлиги бош директо-

ри Аъзам Исҳоқов ҳамда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чо Де Ван жаноблари ғолибларга мукофотларни топширдилар.

"Бундай нуфузли танловларнинг аҳамияти катта, — деди ўз сўзида вазир Т.Қўзиев. — Зеро, аждодларимизнинг моддий ва номоддий мероси Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. "Алпомиш" дostonининг 1000 йиллиги кенг нишонлангани, дostonнинг Корея мутахассислари томонидан корейс тилига таржима қилини-

ши бу асарнинг нафақат бизнинг, балки бутун жаҳон маънавий мулкига айланганидан далолатдир". Элчи жаноблари Исҳоқовларни катта ютуқ билан самимий қутлади, уларга янги ижодий омадлар тилади: "Уч тўрт мамлакатдан 200 дан ортик асар тушди. Ҳайрат аъзолари шундан еттитасини танлаб олди. Бош соврин ўзбекистонлик ижодкорларга насиб этганидан мамнунман. Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Мазкур тадбир бунинг яна бир исботидир".

"Ўзбекино" бош директори А.Исҳоқов бугунги анжуман барча санъатсеварларнинг, моддий-маънавий бойликларимизни қадрловчиларнинг байрами эканини таъкидлади. Ҳамкорликда иккита сценарийни ишлаб чиқишга тушириш ҳақида гапирди. Таниқли ўзбек бахшилари Абдуназар Поёнов, Абдуқаҳор Раҳимов, Турдиали Пардаев, "Ниҳол" мукофоти совриндори Сирожиiddин Файзиёвларнинг чиқишлари тадбирга файз бағишлади.

Ўз ахборотимиз.

ОИЛА

Кўз очиб кўрганим, еру осмоним, Аллалаб ўстирган нурли бўстоним, Бағри иссиқ ошён, обод кўрғоним, Суянчим, онаму отам — оила, Ватан ичра мўъжаз Ватан — оила.

Отам қўллариди меҳнат изи бор, Онам сўзларида ибрат иси бор, Ватан номин тутган ўғил-қизи бор, Баримиз бир жону бир тан — оила, Ватан ичра мўъжаз Ватан — оила.

Илму хунар истаб кам бўлмадик ҳеч, Ёмонлар ортдан биз юрмадик ҳеч, Пок ниёт-ла яшаб, ғам кўрмадик ҳеч, Қувончу шодликка тўлган оила, Ватан ичра мўъжаз Ватан — оила.

Шеърӣй паҳза

Ишонч — оиланинг асл устуни, Вафою садоқат унинг мазмуни, Меҳнатли фароғат қувар қайғуни, Элга тўй, пону туз берган оила, Ватан ичра мўъжаз Ватан — оила.

Баркамол фарзандлар шай юрт қорига, Кам-кўстни тўлдирар, шукр борига, Айлансин улар эл ифтихорига, Орзу-ҳаваслари бўлган оила, Ватан ичра мўъжаз Ватан — оила.

Мадина НОРМАТОВА

Бўстонлик

Адабиётга меҳрим туфайли ўқувчилик кезларимдаёқ шеър ёза бошлаганман. Мана шу иштиёқ мени 2005 йил Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факултетига етаклади.

Навқирон авлод сўзи

Талабалик даврида бизга "Компютер лингвистикаси" фанидан сабоқ берган физика-математика фанлари доктори, профессор Абдумажид Пулатов менда тилшуносликка, инглиз тили ва компютер технологияларига катта қизиқиш уйғотди. Дарс жадвалига киритилган барча фанлар таниш, "Компютер лингвистикаси" эса янги эди. Шу боис



ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАР

дарс билан чекланиб қолмасдан, бу фанга доир қўшимча адабиётларни ҳам топиб ўқидим. Университетимиз ҳомийлигида Жаҳон тиллари университети қошида очилган Тил марказининг беш ойлик жадал курсида, Хиндистон маданият марказида уч ойлик инглиз тилидаги "Индология" курсида ўқиб, юқори даражадаги сертификат олишга муваффақ бўлдим.

Илк педагогик фаолиятимни "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги маданият ва маънавият марказида тенгдош талабаларга инглиз тилидан дарс беришдан

бошладим. Изланишларим самараси ўлароқ, аълочи ва иқтидорли талабаларга бериладиган ЎЗМУ стипендияси, Республика Фан ва таълим қасаба уюшмасининг устама стипендияси совриндори бўлдим. Шу ўринда, университетимизда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилгани ва бунинг натижасида қўллаб-ёшлар турли йўналишларда илмий изланишлар олиб бораётганини ҳам таъкидламоқчиман.

Давоми иккинчи саҳифада.

Гулбахор ЙЎЛДОШЕВА:

ЮЛДУЗЛАР ОСМОНГА ЯРАШАДИ



2013 йил Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. Обуна КАТАЛОГИНИНГ электрон кўриниши www.akmt.uz сайтида. *ОБУНАГА ҚУМАКЧИ-МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ*

тел: 233-67-98 E.mail: info@akmt.uz

Гулбахор Йўлдошева театр сахнасидаги Хонзода ("Бой ила хизматчи"), Диана ("Рўз"), Юлдуз ("Парвона"), Ҳабиба ("Зиёфат"), Турандот ("Маал-кан Турандот"), Хонума ("Хонума"), Бўстон ("Аяжонларим"), Медея ("Медея") каби роллари, "Армон", "Кечиккан ҳаёт", "Афғон", "Ўғай она", "Сўнгги кўнгирақ" бадий фильмлари ҳамда "Туташ тақдирлар", "Опа-син-гиллар" каби сериаллардаги образлари орқали томошабинларга яхши таниш.

Актриса кўп йиллик самарали ижодий фаолияти учун мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони билан таъдирланди. Гулбахор Йўлдошева билан сўхбатимиз театрнинг бугунги жараёнлари, актрисанинг орзу-армонлари хусусида.

— Гулбахор опа, ижодий фаолиятингизни Миллий академик театрдан бошлаган экансиз. Хозирги кунда Ўзбек давлат драма театрида фаолият юритяпсиз. Ўзи аслида санъат оламига қандай кириб келгансиз?

— Биласизми, тугилганимда йилгаш урнига, оёқ-қўлларимни типирлатиб ётганимни кўриб, аям: "Вой, бу нега йилгашмади, овоз чиқармайдими", деб хавотирга тушган экан. Шунда доялар: "Йиғини нима қиласан, ана рақсга тушяпти-ку! Қизинг рақоса ёки балерина бўлади", деб далда беришган. Шунинг учунми болагимдан

сенга Толибжон, шундай қизни тарбиялаб вояга етказибсан", каби эътирофлари эшитиб, хурсандчиликдан кўзларига ёш олган экан. Мана, шундан бери салкам 35 йиллик умрим театрга ўтмоқда.

Агар бир муддат сахнага чиқмасам, дунё

Гулбахор Йўлдошева:

ЮЛДУЗЛАР ОСМОНГА ЯРАШАДИ



«Медея» спектаклидан лавҳа.

кўзимга қоронгу бўлиб қолади, кўлим ишга бормайди. Биласиз, оиламиз санъаткорлар оиласи. Ана шунақа пайтларда фақат турмуш ўртоғим, таникли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг далдасига таянман. Театрсиз, сахнасиз ўзимни тасаввур ҳам қилмайман.

— Театр оламида, актёрлик санъатида кечаётган жараёнлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Саволингиз жуда кенг қамровли. Мен бу жараёнларнинг айтириш оғрикли нукталарига тўхталсам. Театрнинг ҳаёти

дан билган актёрларимиз, миллий театр ривожи учун жон куйдираётган санъаткорларимиз кўп. Лекин, аччиқ бўлса-да айтиш керак, баъзилар учун актёрлик хунарга айлиб қолди. Мен демокчи-манки, кўйилмайдиган асарни ўрганиб, образни юрак-юракдан ҳис қилиб ижро этиш йўқ. Илгарий асарни иш столи атрофида барча иштирокчилар билан ялпи ўқишга оила вақт сарфланарди. Ана шунда асар ўз ичига олган воқеалар, унинг мазмуни, ҳар бир образ характери, нутқи, тилининг ўзига хос томонлари, хатти-ҳаракатлари, ҳуллас, асардаги барча омилар кичик-кичик унсурларига обдон муҳокама ва мушоҳада қилиридан ўтказиларди. Яқинигина таҳлил қилинади. Шу жараёнда актёр асарни ўзига обдон «бўйсундириб», сахнада ишлашга тайёр бўлиб чиқарди. Ҳар қандай асарни сахнага қўйишнинг энг биринчи шарты — ялпи ўқиш. Яна ҳам лўнда қилиб айтганда, асарни режиссёр билан биргаликда ролларга бўлиб ўқиш. Бу жараён айрим ҳолларда узоқ вақтни олади. Шунга чидаб, ҳамма нарсадан воз кечиб ўтириш керак. Машқлар қийин кечса, жангда осон бўлади, дея бежиз айтилмаган-ку, ахир. Демак, актёрнинг режиссёр билан биргаликда ижодий изланишларининг етмиш фоизи ялпи ўқиш жараёнида кечади.

Хозир эса бундай мутлола жараёни деярли йўқолди. "Репетиция" сўзининг маъноси нима, деб сўрасангиз айрим ёш актёрлар тушунтириб беролмайди. Чунки улар сахнага тўғридан-тўғри чиқиб кетади. Шунинг учун кўплари довийрайдими, нима қиларини билмай сахнада олазарак

бўлиб туради. Премераларда спектаклдаги айрим образларнинг ҳали ҳам эканини кузатамиз. Асарни билар-билмас қабул қилиб олаверамиз. Айрим режиссёрлар спектаклнинг ташқи кўриниши, шаклига эътибор бериб, асар гоёсини, матни, актёрлар билан ишлашни, нутқини, тилин унутиб қўйди. У ер-бу ерда кўрган айрим абстракт усуллар, услуб ва шакллари, ўрни бўлса-бўлмаса, зўр бериб спектаклга тикиштиришга ҳаракат қилишади. Бу миллий театр руҳига тўғри келади, томошабин тушунадими-йўқми, ўйлаб қўришмайди. Фақат спектаклнинг ташқи кўриниши гайриоддий, ажаб-товур бўлса, бас. Тўғри, спектаклнинг ўзига хос шакли ҳам бўлиши керак. Фақат у мана шу асарнинг мазмун-моҳияти, гоёсига мос бўлиши лозим.

Баъзи актёрларнинг фақат оёғининг учи сахнада. Бошқа кўшимча юмушлари кўп. Бундай ҳолатда профессионаллик ҳақида гапириш қийин. Ёшлар бу борада жиддий ўйлашлари керак.

Назаримда, бугун ҳар бир театр чиначам билимдон, малака ва таърибаси етарли, муҳими, уста кўрган етакчига эга бўлиши керак. Актёрларнинг ҳам ҳар бири устоз мактабини ўтаган бўлиши лозим.

Кези келганда яна баъзи фикрларим билан ўртоқлашмоқчи эдим. Хозир қайси иходкорни олманг "яратдим" деб айтади. Очиги, бу менга бироқ эриш туюлади. Навоий, Шекспир каби даҳоларнинг ижоди кўтариши мумкин бу сўзни! Хозирги авлод қилган ишларимизни эслаб, биздан кейин "яратди" сўзини ишлатса бошқа гап. Чунки томошабин спектаклдан кейин кўп нарсаларни эсидан чиқариб юборади. Баъзида бугун бошли спектаклдан хотиранда ҳеч қандай из қолмайди. Қанча машҳур актёрларимиз умри давомида кўплаб турфа характердаги ролларни ижро этган. Бугун биз улардан бир-иккитасинигина эслаймиз.

"Юлдуз" деган сўз ҳам одамга галати туюлади. Юлдузлар фақат осмонга ярашади. Улар фақат осмонда ярақлаб, жозибали, мафтункор бўлиб кўринади. Яқинроқ борсангиз, у оддий тошнинг ўзи ҳоло!

— Барча орзуларингиз ушадими ёки армонингиз ҳам борми?

— Армон ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки бир нарсани аввал бошдаёқ тушуниб етганман: актёрлар аслида тобе халқ. Ижодий раҳбариятта, бадий кенгашга, муҳлисларнинг талаб ва интилишларига, айниқса, режиссёрга тобемиз. Мен фақат ўйнашга арзигулли, мазмунли, ҳиссиёту эҳтиросларга тўла образ бўлса, сахнада бекор турмасам, деб орзу қилардим. Бахтимдан ўргилай, ҳар доим орзум амалда ижобат бўлиб келган.

— Барибир орзу қилган экансиз-ку. Ҳар қалай бирорта образга кўз қирини ташлаб қўйгандирсиз?

— Очигини айтсам, Увайсий, Зебуннисо, Анбар Отин каби ўзбек шоирларидан бирортасининг образини сахнага олиб чиқсам дейман. Кейин Шекспирнинг Макбет, Бертольд Брехтнинг "Банда гумоҳ" ("Кураж мома ва унинг болалари") асаридеги Кураж мома ҳақида кўпроқ ўйлайман. Шу образлар менга мароқ бағишлади. Бироқ буларни "орзу" деб тушунмаслигини истардим.

— Хозир қандай образ устидеги ишляпсиз?

— Яқин кунлар ичида Пушкиннинг машҳур "Евгений Онегин" шеърини романи асосидаги спектаклни томошабинларга тақдим этиш учун тайёрларлик кўраётимиз. Бу спектаклда Энага ролини ижро этаман.

Шахноза МАЖИДОВА сўхбатлашти.

28-29 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида республика маданият ва истироҳат боғлари директорлари жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳамда «Намунали маданият ва истироҳат боғи» кўрик-танловни бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустахамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар дастурига доир қарори бажарилиши ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Маданият ва истироҳат боғларининг фаолиятини ўрганиш тўғрисида»ги буйруғи ижроси бўйича ишчи гуруҳ ахборотлари тинланди.

Тадбир доирасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ва бир қанча давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида «Намунали маданият ва истироҳат боғи» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

— Вазирлар Маҳкамаси қароридан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт ичида маданият ва истироҳат боғларида талайгина ишлар амалга оширилди. — деди Халқ ижодиёти маркази раҳбари ўринбосари Ўткир Тоҳиров. — Бугунги йиғилишимизда бажарилган ишлар сарҳисоби, орттирилган тажрибалар, боғлар келажаги ҳақида гап борди. Танловда республикамизнинг энг намунали боғлари ўринбосари олдиди. Бу келгусида юртимиздаги истироҳат боғларининг янада кўркам, сўтли ва завқли масканга айланишига тўртли бўлади, албатта.

Мазкур кўрик-танлов иккинчи марта ўтказилмоқда. Дастлабисси пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтганди. Кўрик-танловда маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини баҳолашда ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари, боғларнинг моддий-техник базаси, аттракционлар ҳолати, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишдаги услублар, боғларда бадий хаваскорлик ва спорт тўғрараклари фаолиятини қучайтириш каби мезонларга таянилди.

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН БОҒЛАР

Ҳақамлар ҳайратни ижодий ҳодимларнинг қасб маҳоратини ошириш, боғ фаолиятга иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш, ҳар бир боғда «Маънавият ва тарғибот», «Услубият» хоналарини ташкил этиш, маркетинг ишларини амалга ошириш борасидаги фаолиятга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан келган маданият ва истироҳат боғлари мутасаддилари ўз боғлари ҳақида слайд ва видеоликлар тахлилий маълумотлар тайёрлаб, ҳақамлар ҳайратига тақдим этишди.

Самарқанд шаҳар Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи энг намунали боғ, деб топилди. Иккинчи ўрин Наманган шаҳар Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига, учинчи ўрин Қарши шаҳар Болалар маданият ва истироҳат боғига насиб этди. — Мамалакатимиз аҳолиси ва юртимиз меҳмонларининг кўнглидагидек маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча ҳудудларда маданият ва истироҳат боғлари барпо этилиб, уларда замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. — деди Алишер Навоий номидаги боғ директори Фарҳод Жалилов. — Хусусан, бизнинг маданият ва истироҳат боғимизда сўнгги йилларда кўпгина ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Боғимиз чиндан ҳам ҳамма манзур сеvimли масканга айланиб бормоқда. Бу ерда ҳар қун юзлаб ёшларни, бобо-буваларни, янги оилаларни учратиш мумкин. Уларга кўпроқ боғимиздаги осудалиқ, озодлик ва табиий гўзаллик манзур бўлмоқда.

Шунингдек, кўрик-танловда бир неча номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Самарқанд

И.ПҮЛАТОВ

МУСИҚА БИЛАН УЧРАШУВ

Консерваторияда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли композитор Ҳабибулло Раҳимовнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

Композиторнинг романслари ҳамда "Алпомиш ва Ойбарчин" операсидан арияларни "академик хонандалик ва опера тайёрлови курси" факултети талабалари ижро этди. Истеъодли ёш хонанда, халқро танловлар дипломанти Азиза Мухаммедова опера қаҳрамонлари ва ўз ижроси ҳақида шундай деди: "Ҳабибулло Раҳимов шоир Усмон Азим либреттосига ёзган "Алпомиш ва Ойбарчин" операси бизда катта таассурот қолдирди. Асардаги образлар, ариялар ва дуэтлар муслиқий "тили"нинг бойлиги билан ажралиб туради. Мен ижро этган жодугар аёл Сурхайл арияларида образнинг моҳияти муслиқнинг ранг-баранг оҳанглари орқали ҳаққоний очиб берилган".

— Мазкур концерт Ҳабибулло Раҳимов ижодининг янги қирраларини очиб берди, — дейди таниқли композитор Фани Холиқов. — Танланган мазму ва образлар, уларнинг ички дунёси, бадий қиёфасини муслиқ орқали ифодалаш композитордан катта маҳоратни талаб қилади. Ариялар ва романслар талқинидеги мураккаб вазифаларни Ҳ.Раҳимов моҳирлик билан адо этган. Композитор асарларини ижро этган Аббосов Раҳматуллаев, Гулмира Нурметова, Нурали Шукураллаев, Дилрабо Курбонова, Хусниддин Орифонов, Дамир Раҳмонов каби хонандалар ёш бўлишига қарамай, халқро ва республика танловлари совриндорлари экани кишини қувонтиради. Юртимизда мана шундай истеъод эгалари бор экан, композиторлик ва ижрочилик санъатимиз баркамоллик сари интилаверади.

Таабур

Муҳайё НАБИЕВА

ЧАЙКОВСКИЙНИНГ ЯНГИ ТЎПЛАМИ

Буюк рус композитори Пётр Чайковский ҳақида гапирганда, аксарият муҳлислар "Оққуш кўли" ба-



летини ёдга оладилар. Ушбу асар бастакор ижодининг чўққиси сифатида эътироф этилса-да, композиторнинг ҳали муносиб баҳосини олишга улгурмаган кўплаб ижод намуналари мавжудлигини унутмаслик лозим. Яқинда П.Чайковский уй-музеи ходимлари катта лойиха устида иш бошлаганини расман эълон қилишди. Лойихага кўра буюк композиторга тегишли барча асарлар қайта тўпланиб, яхлит ҳолда нашр этилади.

Буни қарангки, мумтоз муслиқ тарихида бундай ишга илк бора кўл урилайётган экан. Мутахассисларнинг айтишича, шу кунга қадар тузилган тўпламларда П.Чайковский ижоди тўлиқ қамраб олинмаган. Ўтган йиллар ичида турли сабабларга кўра композиторнинг бир қатор сара асарлари, жумладан романовлар сулоласи вақилларига бағишланган кварталари нашр этилмаган. Ниҳоят, узоқ йиллик та-

наффусдан сўнг буюк композитор асарлари яна сахнага қайтади.

Маълумотларга қараганда, П.Чайковскийнинг умумий ижоди олтиш йилдани ташкил қилади. Улар ҳозирда П.Чайковский уй-музейида сақланаётган бўлиб, мутахассислар янги тўпламни тузишда айнан шу нусхалардан фойдаланишади. Бундан ташқари, янги нашрга "1812 йил", "Евгений Онегин" сингари асарлар киритилиши ҳам кўзда тутилган. Тўплам тақдимоти 2015 йили бўлиб ўтади.

"THE BEATLES" ЭКРАНЛАРГА ҚАЙТАДИ



Эстрада тарихида энг машҳур муслиқий жамоалардан бири "The Beatles" ансамбли ўз фаолиятини яқунлаганига қарийб ярим аср бўлди. Шунга қарамай, гуруҳ ижросидаги қўшиқлар ҳамон муҳлислар эътиборида. "The Beatles" ансамблининг муаллифлик ҳуқуқларига эгаллик қилувчи "Apple Corps" компанияси энди афсонавий жамоа-

ни кино тасмаларига муҳрлашга аҳд қилган. Янги лойихага режиссёр сифатида ким бошчилик қилиши ҳали ошкор этилгани йўқ. Аммо яратилажак асар бадий фильм эмас, балки ҳужжат-ли картина экани маълум бўлди.

Муҳлисларнинг хабари бор, "The Beatles" жамоаси фаолиятига бағишланган кўплаб ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Бироқ санъат оламида уларнинг ҳеч бири катта шов-шувга сабаб бўлгани йўқ. Шуни назарда тутган кино ижодкорлари машҳур ансамбл ҳақида ноанъанавий талқинда фильм яратишни мақсад қилишган. Унда "The Beatles"нинг жонли концертларидан, шунингдек, муҳлисларга маълум бўлмаган қўшиқларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, махсус интернет саҳифа ташкил этилган бўлиб, муҳлислар унда фильм яратиш борасида ўз тақлифларини билдириши, архив материаллари билан ўртоқлашиши мумкин.

КИМЁГАРЛАР ВАН ГОГНИ АСРАБ ҚОПИШДИ

Тасвирий санъат асарлари, айниқса, дастгоҳли рангтасвир намуналарини сақлаш, уларни келажақ авлодга асл ҳолида етказиш соҳа мутахассисларини узоқ йиллардан буюн қийнаб келаётган муаммолардан биридир. Бу йўналишда кўплаб изланишлар олиб борилган бўлса-да, жанузгача санъат асарларини асраш борасида самарали тизим ишлаб чиқилмаган эди. Яқинда Ван Гог

асарларини ўрганиш билан шугулланаётган кимёгарлар картиналарни сақлашнинг янги усулини кашф этишганини эълон қилишди.

Шу йилнинг куз ойида Ван Гогнинг "Кўк гулдондаги гуллар" номи асаридеги турли доғлар пайдо бўла бошлади. Табиийки, бу картинанинг ташқи кўринишига жиддий зарар етказган. Тақиқотлар нати-



жасида доғлар асардаги сариқ бўёқ тарқибда юз берган ўзгартирилари туйғайли пайдо бўлгани аниқланди. Солиштириш ишларини олиб борган олимлар бундай ҳолини Гоген ва Сезан сингари постимпрессионизм йўналишида ижод қилган рассомлар асарларида ҳам аниқлашган.

Хайратки, кимёгарлар тез орада бу муамманинг чорасини топишга эришилди. Картиналарда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларнинг олдини олиш учун уларни кўк ва ултрабинафша ранглар нурланишидан сақлаш лозим экан. Кимёгарларнинг ушбу кашфиёти тез орада дунёнинг барча йирик музей ва галереяларида жорий этилиши кутилмоқда.

НОЁБ ЁДГОРЛИК ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

Кримнинг Алуста шаҳрида жойлашган Алустон қалъа-минораси Византия даврига оид машҳур архитектура ёдгорликларидан бири. Ушбу бинонинг меъморий ечимини узоқ йиллардан буюн олимларнинг қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда. Тез орада Алустон ёдгорлигига қизиқувчилар сони янада ортиши мумкин. Сабаби бинони қайта тиклаш лойихаси аллақачон бошлаб юборилган.

Алустон қалъа-минораси милодий VI асрда Византия императори Юстиниан I буйруғи билан қурилган бўлиб, кейинчалик кўчманчи қабила-лар томонидан вайрон қилинган. Эътиборли жиҳати шундаки, маълум вақт ўтган қалъа қайтадан тикланиб, XVI асрда уни генуялик савдогарлар ўз назоратида олишга муваффақ бўлишди. Бугунги кунда бинони антик давр санъати билан боғловчи ашёлар сақланиб қолмаган бўлса-да, олимлар обидани қайта тиклаш жараёнида византия архитектурасига оид кўплаб қимматли маълумотлар олишга умид қилишмоқда. Бундан ташқари, Алустоннинг қайта тикланиши шаҳарга кўплаб хорийжий сайёҳларни жалб этиши мумкин.

РЕМБРАНДНИНГ ҚАЛБАКИ АСАРЛАРИ

Машҳур голланд рассоми Рембранд ван Рейн қаламига мансуб асарлар сони тез орада камайиши мумкин. Бу хабарни Амстердам музей экспертилари Эрик Хинтердинг

ва Жако Рутгерс эълон қилишди. Кенг кўламда олиб борилган тақиқотлардан сўнг шу нарсани аниқладики, Рембрандтга тегишли деб келинаётган гравюраларнинг аксарият



қисми бошқа муаллифлар томонидан яратилган экан. Албатта, бу асарларни қалбакилаштириш жараёни қандай содир бўлгани барчани қизиқтиради. Ўн саккиз мингга яқин гравюраларини ўрганган мутахассислар уларнинг ярмигана Рембрандт устaxonасида яратилганини тасдиқлашди. Гравюраларнинг катта қисми эса голланд рассомининг вафотидан сўнг қоғозга туширилган. Мутахассисларнинг таҳминича, 1625—1665 йиллар оралиғида рассом томонидан яратилган уч юз ўн бешта мис босмалар бошқа ижодкорлар томонидан ўзлаштирилган.

Хозирча Амстердам музейи қалбаки асарлар тақдирини борасида бир қарорга келгани йўқ. Шуниси маълумки, энди Рембрандт ван Рейнинг асл нусхадаги гравюралари баҳоси янада ошади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Биз мактабда ўқиган кезларда ўғил болаларга жисмоний тарбия дarsi майдонда тўп теппишдан иборат бўлиб, қизлар бу дarsни бир четда суҳбатлашиб ўтказарди. Бунга ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам эътибор бермасди. Бугун эса ота-оналарнинг ўзи ўғил-қизларини спорт тўғрисида олиб бораяпти ва машгулотлар қандай ўтганини қузатиб турибди.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар замирида жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад, фарзандлар келажаги олдида юксак масъулият ҳисси борлиги барчамизни қувонтиради.

Спорт

Хар кун ишга кетаётиб Чилонзор болалар спорт мажмуаси ёнидан ўтаман. Дарвоза пештоқиға ёзиб қўйилган лавалар каминаға ёд бўлиб кетган. "Бугунги муҳлис, эртанги спортчи, бугунги спортчи — бўлажак чемпиондир!" Мажмуа эрта-ю кеч, ҳатто дам олиш кунлари ҳам болалар билан гавжум. Ҳажжи кичкинтойларни ота-оналари қўлидан етаклаб келаётганларини кўп қузатганман.

Мажмуа раҳбари Турсунбой Абдурайимов спортчи бўлгани учунми жуда серғайрат. Шу сабабдан уни иш жойида учратиш бироқ мушкул. Гоҳ футбол майдонида болаларга машгулот ўтаётган, гоҳ машгулот залида ота-оналар билан суҳбатлашаётган, гоҳ мусобақаларга бош-қош бўлиб юрган бўлади. Бу гал ҳам Турсунбой ака қизлар ўртасидаги қандайдир беллашувга шошिलाётган экан.

— Мажмуамиз 2008 йил ноябр ойида фаолиятини бошлаган, — деди Т.Абдурайимов. — Дастлаб футбол,

ралиб туради, — дейди Айжан. — Ҳар бир ҳаракатда ўзгача жозиба ва гўзаллик мужассам. Маазкур спорт тури қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, уларнинг мусика ва рақсга қизиқишини оширишга, шунингдек, ақлий қобилиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бадий гимнастика машқларини бажаришда махсус атамалардан фойдаланамиз. Масалан, бурилиш — гаваданинг тик ёки узунасига ўқ атрофидаги айланма ҳаракати. Қўлни тўқинлаштириш — қўлни букиш ва панжани осилтиришдан бошлаб, кейин ёзиш билан бир вақтда панжани кўтаришдан иборат тўқинсимон ҳаракат-



шу тўғрака олиб келишини маслаҳат берадим.

— Шифокор тавсиясига кўра қизимни бадий гимнастика тўғрағига бердик. Қизимда спортнинг шу турига қизиқиш катта, ҳатто акаларига биланларини ўргатиб "устозлик" қилаяпти. Келажақда Шохида халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, Ватанимиз байрогини баланд кўтаришини истаётман.

ГўЗАЛЛИК ВА НАҶОСАТ

лангириш. Атамаларни тўғри ағлаш ва машқ пайтида бажариш қизларимиздан топқирликни, мустанкил фикрлашни талаб этади. Бадий гимнастика билан шуғулланиш организм учун жуда ҳам фойдали. Машқлар ёрдамида ҳаракатнинг майинлиғига эриши туфайли гўзал қадди-қомат шаклла-



волейбол, баскетбол, кўл тўпи, акробатика, теннис ва бадий гимнастика тўғрисида машгулот олиб борган бўлса, ҳозир 11 спорт тўғрағимиз бор. Мамлакатимизда аёллар спортчи, жумладан, қизлар орасида бадий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мажмуамизда спортнинг санъатга яқин ушбу тури билан шуғулланувчилар учун барча шароитлар яратилган. Бадий гимнастика тўғрағига аъзоларига малакали мутахассислар сабоқ бермоқда.

Тўғрақ раҳбари, спорт усталиғига номзод Айжан Ибрагимова билан суҳбатимиз айни машгулот пайтига тўғри келди. Кичик ёшдаги қизлар гилам устида енгил, ҷақдан ва нозик ҳаракатлар билан машқ бажаришарди.

— Бадий гимнастика барча спорт турлари ичиди нафислиги билан аж-

нади. Бундан ташқари, машқлар организмдаги мушаклар фаолиятига ижобий таъсир этиб, модда алмасишуви, нафас олиш, юрак-қон томир тизимларини яхшилабди. Бир сўз билан айтганда, спортга бўлган муҳаббат ёшларимизни жисмонан ва руҳан уйғун ҳолда камол топтиради.

Гимнастика залидан чиқаверишда бир гуруҳ ота-оналар фарзандларининг машғулоти тугашини кўтиб турган экан. Уларни суҳбатга тортидик.

— Қизим 9 ёшда. Икки йилдан бунён бадий гимнастика тўғрағига қатнайди, — деди ўзини Феруза Музаффарова деб таништирган аёл. — Самира авваллари тез-тез шамоллаб турарди. Мана, икки йилдирки, бу ҳолат кескин қамайди. Ҳаракатлари чиройли бўлиб, буйи ҷузилди, қадди расо бўлди. Барча оналарга фарзандини

ий гимнастика машқларини бажариши учун копток, арқон, лента олиб бердик. Қизимда спортнинг шу турига қизиқиш катта, ҳатто акаларига биланларини ўргатиб "устозлик" қилаяпти. Келажақда Шохида халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, Ватанимиз байрогини баланд кўтаришини истаётман.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда спортга беқисс эътибор туфайли бадий гимнастика нафақат кичик ёшдаги қизлар, балки аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг оммалашиб бораёттир. Бунга шу йил 24-26 ноябр кунлари Юнусобод туманидаги "Универсал" спорт саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Гимнастика барча учун" очик чемпионатида яна бир бор амин бўлдик. Тадбир очилишида "Соғлом она — соғлом бола" тамойилири асосида хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилгани, бугун юртимизда 2 миллионга яқин хотин-қиз жисмоний тарбия ва спортга жалб этилгани, улар орасида, айниқса, бадий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамплин, замонавий рақс ва фитнес машғулотларини ўзида бириктирган гимнастрада тобора оммалашиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. "Гимнастика барча учун" очик чемпионатида 500 га яқин спортчи қизлар билан баҳслашди. Улар орасида мактаб ва коллеж ўқувчилари билан бир қаторда, уй бекалари, корхона ва ташкилот ходималарининг ҳам борлиги қувонарли, албатта.

Икки кун давом этган мусобақадда ижро маҳорати, иштирокчиларнинг рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилияти билан ажралиб турган Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент,

"АРМОНДАН ТУҒИЛГАН САТРЛАР"

Тошкентдаги "Fan va texnologiya" нашриёти ёш тадқиқотчи Афиға Фаниеваннинг шу номдаги рисоласини босмадан ичкардди. Тадқиқотчи атоқли шоир Абдулла Орипов ижодидаги муҳаббат лирикаси, баҳор ва куз фалсафаси, давр муаммолари ифодаси билан бирга ҳаётий иллатларга доир мисраларни ҳам таҳлил қилиб, бундай мотивлар замида ҳам эзгуликка даъват, қомиллик соғинчи ётганини алоҳида таъкидлайди.

Рисоланинг "Қайдан туғилади, билмадим, ҳасад...", "Ажалдан ҳам даҳшатли", "Ранжом"чиликнинг бир усули" каби бобларидан шоирнинг "Қурдошларимга", "Ёшлик", "Шукрона", "Қора юрак", "Дунёни қизганма", "Менинг ҳасратларим" каби шеърлари, "Ҳақим ва ажал", "Жаннатга йўл", "Ранжом" каби лиро-эпик ва драматик асарлари тадқиқ этилган, армонли сатрлар туғилишига сабаб бўлган инсоний ноқислиқлар моҳиятини очиб ҳаракат қилинган, эзгулик ва ёвузлик кураши адабиётнинг азал-абад мавзуларидан ибти ёканлиғига урғу берилган. "Ҳақим ва ажал" достонидида бундай зиддият Ибн Сино ва унинг шогирди Мирзо характерларига доир сюжет ривож қўлида тадқиқ этилиб, буюк ҳақимнинг вафоти билан боғлиқ воқеалар Абу Убайд Жузжонийнинг тарихий маълумотларига қўйилган.

Тадиқотчи А.Дюма, А.Пушкин, А.Қодрий каби жаҳон адабиётининг мумтоз адиблари асарларида бўлгани каби Абдулла Ориповнинг шеър, достон ва драмаларида ҳам нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик каби инсоний иллатлар ўртасидаги кураш сюжет воқеаларида асосий мотив родини ўйнагани таъкидлайди.

Китоб тақризчилари — филология фанлари номзодлари Сувоп Мелиев ва Дилшод Ражабов. Муҳаррир М.Мирқомиллов.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ" АКЦИЈАДОРИК КОМПАНИЈАСИ

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ — 100083, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32 ҚАБУЛХОНА — 233-52-91 ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛИМИЗ: КЎТИБАТ — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48 Иجتимой ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

"СУЛУВЛАРДАН СУЛУВСАН"

Таниқли шоир Ҳол Мухаммад Ҳасаннинг яқинда "Мусиқа" нашриётида чоп этилган "Сулувлардан сулуvsан" тўплами "Ўзбекистон" қасидаси билан бошланади.

Беш кун кўрмасанг бўлмас — ҳумори бор бу юртинг,
Ғаним сўхи қор қилмас — тумори бор бу юртинг.

Шеърда она-юртимиз манзаралари оҳорли ўхшатишу ташбеҳлар воситасида шарафланади. Китоб номи билан аталадиган шеърда эса шоир шеърятга "Севғидай суюксан, сирлисан, сеҳрғар созларнинг садосин, саяво кумрилар навосин, ёввойи хур хислар хавосин тўйдириб кўксима кирибсан, сулувлардан ўзинг сулуvsан", дея таъриф беради.

Шеър ва ғазаллар, мухаммасу мувашшаҳлар, шунингдек, тўртлик ва учликлардан таркиб толган янги китобни ўқиб, шоирнинг сўзда теран мазмун ва гўзал санъат уйғунлиғига эришиш йўлида ижодий изланишлари нечоғли самара бераётганига ишонч ҳосил қиласиз.

"Қорақалпоғим" қасидаси, "Онанг у", "Робинзон", "Инкорни инкор", "Умрга изох", "Ойсулув" каби шеърларни ўқиганда эса шоирнинг инжа ўхшатишлари, халқимизнинг бебаҳо тил бойликлари, миллий руҳият билан боғлиқ гўзал ифодаю топилмалардан баҳраманд бўласиз.

Янги китобга сараланган шеърлар ҳам крилл имлосида, ҳам лотин ёзувидаги янги ўзбек имлосида берилгани кенг китобхонлар оммаси учун қўлайлик туғдирган.

Китобга шоир Амир Худойберди муҳаррирлик қилган.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташқирифта келган қўёмалар таҳлил этилмайдди ва муаллифларга қайтарилмайдди. Муаллифлар фикри таъширият нуқтаи назаридан фарзаниши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.
Босмақона манзили: Буюк Туроп кўчаси, 41 ўй

Боснишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4291 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма табак А-2. Нашр қўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ШАМОЛЛАШ ТАБИЙ ҲОДИСАМИ?

Болалар ва катта ёшдагилар тез-тез шамолладиган мавсум бошланганига анча бўлди. Шамоллаш инфекциялари мактаб ва болалар боғчаларида тез тарқайди ва ўқувчи, тарбияланувчилар орқали хонадонларга ҳам етиб келади. Касаллик болалардан катта ёшдагиларга ўтади. Бундай ҳолда қандай йўл тутиш зарур ва нималардан тийилиш керак?

Болалар оториноларингологияси бўйича профессор М. Богомилскийнинг фикрича, мактабга ёшдаги болаларнинг йилига 5-6 марта шамоллаб туриши нормал ҳол ҳисобланади. Агар шамоллаш ҳоллари бундан-да кўпроқ рўй берса, асорати қолиши мумкин. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотича, катталарнинг йилига икки марта шамоллаши нормал ҳолдир. Негаки, ўткир вирусли нафас йўллари касалликлари билан оғриган кишиларда бу хасталикка қарши иммунитет пайдо бўлади ва бу кишида шу касалликнинг оғир турларига нисбатан бардошли бўлиш имконини яратади. Бироқ шамоллаш белгилари асоратсиз ўтиши ҳамда тез-тез тақрорланмаслиғига эришиш зарур. Бемор тўғри даволанса, вирусли ўткир шамоллаш 7-10 кунда ўтиб кетади. Шифокорларни эса, шамоллашнинг ўзи эмас, балки унинг асоратлари кўпроқ ташвишлантиради. Сўнгги пайтда яхши даволанмаслик оқибатида нафас йўллари вирусли ўткир юқумли хасталиклари ва уларнинг сони ортиб бормоқда. Уч ёшгача бўлган ҳар бир бола амалда йилига бир-икки марта кулоқ шамоллашига чалинади. Сториноларинголог шифокор ҳузурига олиб келинадиган болаларнинг 70-80 фоизида эса, касалликнинг ўтиб кетгани қузатилмақда.

— Шунинг ҳам айтиш керакки, шамоллашдан тез қутуламан, деб бирданига жуда кўп препаратларни қабул қилиш тўғри эмас, — дейди профессор В. Свистушкин. — Ўзини даволаш билан шуғулланадиганлар номи турличаю, бироқ таъсири ва таркиби бир-бирига яқин дори-дармонлардан бир йўла фойдаланиб, катта хаттолика йўл қўядилар. Бу пировард натижада синусит, ангина, бронхит, менинжет каби турли нохуш асоратларга олиб келади.

Ҳуш, шамоллаш белгилари сезилганда муолажани нимадан бошламоқ керак? Кўпчилик бундай ҳолларда дарҳол антибиотиклар қабул қила бошлабди. Бундан энг нозик масала — дориюлардан қайси бирини танлаш. Айтилайки, вирусларга қарши дориюлар, симптоматик ва дармондори муолажалари ҳамда антибиотикларни қачон қўллаш лозимлигини ҳамма билиши зарур. Шамоллашнинг илк белгилари сезилганда, биринчи навбатда, интоксикация, яъни вируслар билан заҳарланишни қамайитириш учун суюқлик кўпроқ ичилади, фақат шифокор буюрган вирусга қарши дориюлар, симптоматик ва дармондори муолажалари қўлланади. Дарҳол антибиотик ичиш эса ярамайди. Шифокор антибиотикни касаллик хуруж қилган пайтдагина, шунда ҳам энг сўнгги чора сифатида буюриши мақсадга мувофиқ. Масаланинг эътибор талаб жиҳати шундаки, кўп ҳолларда, шамоллаш энди белги берган пайтда уни антибиотиклар истемол қилмай туриб ҳам вирусларга қарши дориюлар, симптоматик ва дармондори муолажалари билан муваффақиятли даволаш мумкин. Шунинг учун тиббиёт муаммоларига бағишланган йирик анжуманларда шифокорларга антибиотикларни қўллашнинг тавсия этишда шўшилмаслик ва ўта хушбў бўлиш зарурлиги ўқтирилмоқда. Буни беморлар ҳам билиши керак.

Касалликнинг биринчи беш кунини — бу вирусларнинг юққани намоян бўладиган давр. Бу даврда антибиотик, умуман, зарур эмас. Агар бирор-бир ўзига хос белги сезилмаса, беш-олти кундан сўнг бактериялар флора ҳақида гап бўлиши мумкин. Шундагина антибиотикларни қўллаш тўғрисида ўйлаб қўриш керак. Бироқ бу ҳолатда ҳам буруннинг битиши асосий белги бўла олмайдди. Негаки, ҳар қандай шамоллаш бир неча босқичда кечади. Буруннинг битиши эса, улардан бири. Антибиотикларни қўллаш учун бундан бошқа жиддий сабаблар ҳам бўлиши керак. Яна бир муаммо томоқдаги оғрик билан боғлиқ. Кўпчилик томоғи оғриди дегунча антибиотиклардан фойдаланишга интилади, уларнинг 78 фоизи ўз-ўзини даволашга уринади. Ҳолбуки, вирусли касалликларда антибиотиклар ёрдам бермаслиги, асоратларнинг олдини ололмамлиги аллақачон исботини топган.

Шамоллашни даволашдаги яна бир хатотик — болаларга катталарга қўлланадиган дориюлар миқдорини қамайитириган ҳолда бериш билан боғлиқ. Кўпчилик ота-оналар шундай қилишади. Болаларни катталарнинг жисмонан кичик нусхаси, деб қараш мутлақо нотўғри. Чунки болалар организмда жуда кўп тизимлар энди шаклланаётган бўлади. Шу боис, ўз билганича даволашда касалликнинг бирор асорати қолиши хавфи жуда юқори бўлади. Гап болаларни даволаш ҳақида бораркан, муайян препарат ёрдам бермаслигини қўллашда нафақат унинг самарасини, айни чоғда, хавфсизлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Буни фақат мутахассис аниқлай олади.

Шамоллаш кўчайганда грипп эпидемияларини ҳам назардан қўчирмаслик керак. Албатта, ўзини ва яқинларини юқумли хасталик хуружларидан ишончли химоялашнинг йўли гриппга қарши эмланишдир. Шунда организмда икки ҳафта мобайнида гриппга қарши иммунитет шаклланади ва тумов енгил ўтиб кетади.

Ойнаи жаҳон орқали генетик модификацияланган маккажўҳори берилган каламушларда хавфли ўсма пайдо бўлгани айтилди. Бундай зарарли маҳсулотлар етиштиришни таъкидлаб бўлмайдими?

— 2000 йили дунё олимлари генлар бўйича муҳандисликнинг хавфли жиҳатлари ҳақида бонг уришди. Шундан сўнг барча мамлакатлар ҳукуматларига генетик модификацияланган маҳсулотларни тарқатмаслик юзасидан мораторий эълон қилиш бўйича муружаат билан чиқилган эди, — дейди экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш бирлашмаси асосчиси А.Коновалов. — Хавфсизлиги узил-кесил исботланмаган бундай маҳсулотларни кенг миқёсда етиштириш бепул-теглининг авж олишига, саратон хасталиклари қўлайишига ва бошқа нохуш асоратларга олиб келади. Масалан, 2000 йилдан 2010 йилгача Россияда саратон хасталикларига чалиниш миқдори 15,2 фоизга кўпайган. Бу бежиз эмас. Хориждаги генетик жиҳатдан модификацияланган неъматларни ишлаб чиқарувчилар ҳам, бундай экологик нотоза маҳсулотларни Россияга келтириб сотувчилар ҳам бундан катта даромад оладилар. Негаки, маҳсулотни ген муҳандислиги йўли билан модификациялаш ҳосилдорлини ошириб, унга муайян таъм беради ва вазнини қўпайтиради. Бундай маҳсулотлар хавфсизлигини текшириш эса, одатда, ишлаб чиқарувчилар маблағи ҳисобидан ташкил этилади ва бундай тадқиқотлар аксарият ҳолларда ноҳосил бўлади.

"АиФ"нинг 40-сонидан.

«Ўзбекнаво» эстрада бирилашмаси жамоаси «Ниҳол» мукофоти совриндори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўрсатган артист **РАШИД ХОЖАСОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ректорати «Саҳна ҳаракати» кафедраси катта ўқитувчиси Насиба Абрайқуловаға падади бузруквораи **Эркин ота НАСРУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.